

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
“ТИҶХММИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

**НАВОЙЙ АЛҚАГАН
ХУКМДОР**

**Қарши, Интеллект,
2023 йил**

UDK: 7.091 (075)

КВК: 85.33

Қ – 23

Шерхон Қораев. Навоий алқаган ҳукмдор. Илмий рисола (Матн).
Тошкент. “Интеллект” нашриёти. 2023 йил. 34 бет

Ушбу илмий китобда оққўюнлилар давлати ҳукмдори шоир Султон Яъқуб Мирзо билан ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик ва устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида сўз боради. Энг муҳими, Султон Яъқуб бошлигидаги Табриз адабий муҳити намояндалари Алишер Навоий билан ижодий ҳамкорлик қилишгани ҳамда шеърларини юбориб, мутафаккир фикрлари билан қизиқишгани ушбу рисолада ёритилган

Ушбу тадқиқот кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари доктори

Афтондил ЭРКИНОВ,

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори

Нафас ШОДМОНОВ,

Филология фанлари доктори

Дилнавоз ЮСУПОВА.

Ўзбекистон Республикаси “ТИҚҲММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Илмий Кенгашининг 2023 йил 16 апрелдаги мажлиси 7-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9257-3-1

© Шерхон Қораев, 2023.

© «Интеллект» нашриёти, 2023.

ДАРВИШСИФАТ ВА ФОНИЙМАШРАБ СУЛТОН

Алишер Навоий насрый ва назмий асарларида қатор темурий шахзодалар номини зикр этиб ўтган. Хусусан, “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг етти мажлисини темурийзодалар ижодига бағишилаган. Бинобарин, тазкирада Амир Темур зурриёдлари қаторида у Қорақүюнлилар султони Жаҳоншоҳ ва Оққўюнлилар шоҳи Султон Яъқуб шеърияти хусусида сўз юритган. Абулмузаффар Султон Яъқубхон форс ва озарбайжон тилида шеърлар ёзган.¹ Жаҳоншоҳ ҳам Ҳақиқий тахаллуси билан ижод қилган.²

Ўз даврида Алишер Навоий билан яқин дўстона алоқа ўрнатган туркий ҳукмдорлардан бири Оққўюнлилар салтанатининг учинчи султони Султон Яъқуб (Айрим манбаларда ҳукмдор Султон Яъқубхон, Яъқуб Мирзо, Яъқуббек, Яъқуб Туркман деб тилга олинган) деб туркмандир.³ Шоирлар султони ўз асарларида адабиёт аҳли ва шеърият анжуманларини хуш кўрган Яъқуб подшоҳ номини чексиз ҳурмат билан тилга олган.⁴ Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, “*Алишер Навоий ўзининг “Тазкират ушишуворо” китобида келтирганки: Султонлар орасида у каби писандида зот ва ҳамидасифат ва дарвешсифат ва фониймашраб йигит кам бўлган*”.⁵ Албатта “*Навоийнинг Ироқ султони ва шоир туркман Яъқуббек билан дўстона муносабатларини далиллайдиган илмий манбаларга эгамиз. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида Султон Яъқуббек ҳақида бундай дейилган: “Яъқуб Мирзо – Туркман салотинида анингдек писандида зотлиғ ва ҳамида сиботлиғ йигит оз бўлгай”. Адид Ойбек “Навоий”*

¹<https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%BO%DO%BD>

² Алиева Р. Эпоха Гарагоюнлу и Аггоюнлу в топонимии Азербайджана. Збирник научевых прац «Гилия: научовий висник». 2014.-№81.-С.144-148.

³ https://wiki5.ru/wiki/Yaqub_bin_Uzun_Hasan

⁴ Қораев Ш. Оққўюнлилар салтанати ҳукмдори Султон Яъқуб адабий кечалари (Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарлари маълумотлари асосида). / “Марказий Осиё тарихи масалалари заамонавий медиевистика талкинида” мавзусидаги Академик Дилором Юсупова юбилейига бағишиланган мақолалар тўплами. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. -Тошкент, 2021 йил.-Б.384-394.,Қораев Ш. Оққўюнлилар салтанати ҳукмдори Султон Яъқуб адабий кечалари. // “Филологик тадқикот” илмий журнали, -Тошкент. 2022 йил, №6-сон.-Б.4-13.

⁵ Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.: Мумтоз сўз, 2014.-Б.81.

романида бу тарихий фактга мурожаат этиб, Навоий ва Яъқуббек муносабатлари тасвирига маҳсус саҳифалар ажратганидан мухлислар хабардор деб ўйлаймиз".⁶ Бинобарин, "Навоий" романида ёзилишича, "Мавлоно Биноий (Оққўюнлилар салтанатига) ўз саёҳатидан олган таассуротларини жуда мароқли равишда айтиб берди. Бир неча қўпол латифалар сўзлаб, мажлисни яхши кулдирди. Гап орасида Навоий унга мурожаат қилиб деди:

-Ироқда Яъқуббекнинг қошида бўлибсиз. Унинг фазилатларидан сўзланг, бизга.

-Яъқуббекнинг бир яхши фазилати шундаки, - деди Биноий айёр табассум билан, - у ҳеч вақт оғзига туркий сўзни олмас экан!

Мажлис бирдан совуқ сукутга ботди. Шоирлардан Шайхим Суҳайлий, Ҳилолий, Ҳофиз Ёрий, Пир Муаммоий ва бошқалар изтироб билан қисилиб ерга қарадилар. Соҳиб Доро ғазабига чидолмасдан, эшикка чиқиб кетди. Ёлғиз икки киши бепарво қолди: Биноий bemalol овқатни туширади. Навоийда ўз кучига, ўз ҳақиқатига ишонган кишининг қатъий сокинлиги барқ уради.

-Бизнинг тилимиз гавҳардир, - деди Навоий таъкидовчи бир оҳанг билан, - Яъқуббек тилларни хўб билур, тошдан гавҳарни фарқ қилиши керак.

Лекин форс тилининг гўзаллиги, устунлиги ҳақидаги унинг бутун далиллари, исботлари, уринишлари Навоий мантифининг мустаҳкам тошларига урилиб, қумдай сочилиб кетар эди".⁷

Султон Яъқуб Оққўюнлилар давлати асосчиси Узун Ҳасаннинг етти ўғли орасида энг узок муддат тахтга ўтирган ҳукмдордир. Маълумотларга кўра, у 1463 йилда Диёрбакирда туғилган. 1478-1490 йилларда Оққўюнлилар салтанати ҳукмдори бўлган. Мамлакат чегараларини кенгайтиришга ҳаракат қилган. 1480 йилда Усмонийлар империяси тасарруфи остида бўлган Урфани забт этади. У Ширвон шохи Фаррух Ясарнинг қизи Гавҳар Султон хонимга уйланган эди, жуда кўп ҳарбий юришларда қайнотасига ёрдам берган.⁸

Сарой шоири Хатойи Табризий ўзининг "Юсуф ва Зулайҳо" достонини султонга бағишланган. Маълум муддат Табриз саройида хизмат қилган Фазлуллоҳ Исфаҳонийнинг "Тарихи оламаройи

⁶ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/karimboy-quramboev-alisher-navoiv-va-turkman-adabiyoti/>

⁷ Ойбек. Навоий. Роман. Т.:Ўқитувчи, 1985.-Б.254-256.

⁸ <https://zarnews.uz/post/qoshrabotdan-topilgan-ruboiyning-alisher-navoiv-qanday-aloqasi-bor>

Аминий” асари Султон Яъқуб даври ва адабий мажлислари ҳақида сўз юритади.⁹

ОҚ ҚҮЙЛИ ТУРКМАНЛАР САЛТАНАТИ

Тарихга назар солсак, Оққўюнли (оқ қўйлилар) туркманлар мамлакати (1348-1508) XIV-XV асрларда Курдистонда ҳамда Кавказолди ва Кичик Осиёнинг баъзи минтақаларида бирлашган ўғуз(туркман) қабилалари иттифоқи сифатида ташкил топган.¹⁰ Байроғида оқ қўчқорнинг расми бўлган Оққўюнлилар Византия солномаларида Анатолиянинг шарқига кўчиб келишларидан бошлаб, яъни 1340 йилдан тилга олинади.¹¹ Манбаларда Оққўюнли, Қорақўюнли ва Сафавийлар қавмлари туркман ёки туркмон атамаси билан қайд этилган.¹²

Амир Темур 1402 йили Усмонлилар империясига қарши жангда иттифоқчи сифатида қатнашган оққўюнлилар беги Қора Усмон(1378-1434)га Диёрбакр вилояти (ҳозирги Туркиянинг Дажла дарёси оқими)ни инъом этади. Қора Усмон ибн Аҳмад (1403-1435) дан сўнг оққўюнлилар беклигини Ҳамза ибн Қора Усмон (1435-1444), Али ибн Қора Усмон (1435-1438) ҳамда Жаҳонгир ибн Али (1444-1453) лар бошқарган.¹³

Қора Усмоннинг набираси Оққўюнлилар салтанати биринчи султони Узун Ҳасан (1423-1478) акаси Жаҳонгирга қарши урушда ғалаба қозониб, давлатни мустақил бошқара бошлайди.¹⁴ 1467 йилда эса у Қорақўюнли(қора қўйлилар) туркманлар ҳукмдори Жаҳоншоҳни мағлуб этиб, Оққўюнлилар салтанатини тузади ва пойтахтни Табризга кўчиради.¹⁵ Шимолий Эрон, Озарбайжон ва Ироқ ҳудудини эгаллаган Узун Ҳасан оққўюнли подшоҳлик мақомини эгаллайди.¹⁶ У “Қонуннома” номли қонунлар тўпламини

⁹<https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%B0%DO%BD>

¹⁰ Махмудов Я. Взаимоотношения государств аккуюнлу и сефевидов с западноевропейскими странами. Баку, Издательство Бакинского университета, 1991.-С.264.

¹¹ https://www.azerbaijans.com/content_327_ru.html

¹² Алиева Р. Эпоха Гарагоюнлу и Аггоюнлу в топонимии Азербайджана. Збирник научных прац «Гилия: научковий висник». 2014.-№81.-С.144-148.

¹³ Воҳидов Ш., Қодиров А. Шарқнинг машҳур сулолалари. Т.: Академнашр, 2013.-Б.353-356.

¹⁴ <https://e-derslik.edu.az/books/232/units/unit-1/page109.xhtml>

¹⁵ Исмаилов Э. Очерки по истории Азербайджана. Москва, Флинта, 210.-С.416.

¹⁶ <https://e-derslik.edu.az/books/232/units/unit-1/page112.xhtml>

ишлаб чиқади ва қатор ислоҳотлар ўтказади.¹⁷ Подшоҳнинг фармони билан Қуръони карим озарбайжончага таржима қилинади.¹⁸ Бироқ 1473 йилда Узун Ҳасан Тержондаги жангда Усмонлилардан мағлубиятга учрайди. 1480 йилда эса унинг ўғли Яъқуб подшоҳ даврида Сулаймонбек бошчилигидаги оққўюнлилар армиясининг турклар билан муҳорабада қўли баланд келади.¹⁹

Ҳасанбекдан сўнг тахтга аввал Халилбек, 1478 йилда эса 15 яшар Яъқуббек (1463-1490) ўтиради.²⁰ Рафаэль Ҳакимов ўзининг “Турк –татар давлатлари хроникаси” асарида ёзишича, 1490-1497 йилларда давлатни Султон Яъқубнинг ўғли Бойсунғурхон бошқарган.²¹ Муайян муддат Султон Рустам Оққўюнлилари давлати бошлиғи бўлган.²² 1497 йилда яъни, Султон Аҳмад даврида давлатни сақлаб қолиш учун зодагонларга қарши кураш бошланади. Аҳмад бир қанча аъёнларни қатл эттириб, суюрғол тизимини бекор қиласи. Кўчманчи зодагонларга қарши курашда ўтроқ форсий зодагонлар ёрдамидан фойдаланади. Султон Аҳмад солик ислоҳоти ўтказиб, шариат доирасидаги йиғимлар (закот, ушр, хирож, жизя)дан бошқа мажбуриятларни ҳам бекор қиласи. Бу чораларнинг барчаси кўчманчи зодагонларни ғазаблантиради. Улар Ироқи Ажам ва Форсда қўзғолон қўтаришади. Бор-йўғи етти ой ҳукмдорлик қилган Султон Аҳмад Исфаҳон яқинида қўзғолончилар билан жангда ўлдирилади.

Ғолиб зодагонлар Султон Аҳмад чиқарган фармонларни бекор қилдиради. Шундан сўнг Оққўюнлилар давлати икки тож талабгорлари ўртасида тақсимлаб олинади. Алванд Озарбайжон ва Арманистонни, Мурод Ироқи Араб, Ироқи Ажам ва Форс вилоятларини олди. Мурод ибн Яъқуб 1502-1508 йилларда оққўюнлиларнинг сўнгги ҳукмдори бўлди.

16 аср бошларида Оққўюнлилар давлати Сафавийлар давлати асосчиси Исмоил Сафавий бошлиқ қизилбошлар томонидан буткул тутатилди.²³ Исмоил Сафавий Султон Яъқуб синглисининг ўғли

¹⁷ Наджавлы Т. История гасударств Каракоюнлу и Аккоюнлу в современной тюркской историографии.-Баку: 2000.-С.180.

¹⁸ <https://www.sdu.edu.az/ru/news/378>

¹⁹ <http://1905.az/ru>

²⁰ <https://www.timetoast.com/timelines/>

²¹ Нәсән бәй Румлу. Әhsәnüt - тәварих. Кастамону, 2017.-С.330.

²² <https://m.realnoevremya.ru/articles/143049-rafael-hakimov-oguzskie-gosudarstva>

²³ <https://telegra.ph/Uzun-Hasan-va-Oqqoyunlilar-davlati-10-03>

бўлишига қарамасдан, ўзаро курашларни бартараф этишда қариндош – уруғчилик муносабатлари аскотмади. Аксинча, шиалар шоҳи тоғаваччалари Алванд ва Муродларни ер билан яксон қилди.²⁴

УЗУН ҲАСАН ВА АБУСАИД МИРЗО

Тарихдан маълумки, Султон Абусаид Мирзо темурийлар тахтини эгаллагач, орадан кўп ўтмай туркманларнинг оққўюнли уруғи вакили Узун Ҳасан (1453-1478) Қорақўюнли давлатининг ҳукмдори Жаҳоншоҳ (1435-1467)ни мағлуб этиб, империяга асос солади. Гарчи Узун Ҳасан темурийлар билан яхши муносабатда бўлса-да, бу алоқаларга давлат тепасига Султон Абусаид келиши билан путур етади. Чунки Султон Абусаид бир пайтлар темурийларга тобе бўлган Оққўюнлилар давлати худуди, хусусан Озарбайжонга кўз тика бошлаган эди. 1468 йилда Султон Абусаид Мирзо Озарбайжонга қўшин тортади. Адабиётшунос олим Рустам Жабборовнинг айтишича, Миёна деган қасабага етгач, у оққўюнлилар султони Узун Ҳасанга эски ўзбек тилида уйғур алифбосида мактуб ёзиб юборади. Мактуб кейинчалик Узун Ҳасан Султон Мехмет Фотиҳдан енгилганидан кейин Истанбулга олиб келинади ва айни пайтда Туркияда, Тўпқопи саройи музейида сақланмоқда. Мактубдан олинган қуйидаги сатрлар Султон Абусаид Мирзо ўз куч-қудратига ортиқча бино қўйгани, рақибиға менсимаслик билан қараганини кўрамиз: “*Султон Абусаид Кўрагон сўзим. Ҳасанбекка салом тегач, сўз улким, Тенгри инояти бўлуб, Соҳибқирон Темурбек тамом мамоликни мусаххар қилиб юрганда, улуғ отанг Усмонбек чин кўнгли билан бек давлатига паноҳ келтурууб, ихлосини билтурган учун, бек даги инояtlар қилиб, барча улусдин ортуқси кўруб, Диёрбакир вилоятини билтуруб, хоссатан ўгул ушоқининг тинчлиги учун Ҳамидтек (ҳудуд) ерни доги суюргаб юрт берган турур. Усмонбек доги бекнинг ул иноят шафқатини унумтмайин, бекдин сўнгра ўглонлариға чин ихлос била куч бериб, бурун бек чоғинда қилған хизматларини ҳаргиз ўзга қилмади. Тенгри иноят қилиб, Соҳибқирон бек отамнинг тахтини менга рўзий қилди эса, сен доги отанг юртини билиб, эл-улусингни бошлагонингдин*

²⁴ <https://m.realnoevremya.ru/articles/143049-rafael-hakimov-oguzskie-gosudarstva>

бери яхшилигинг чин эътиқодингни билдурууб эрдинг. Тенгри инояти билан эранлар ҳимматидин бу учурларда бурунги кечган ота – оғаларингдин ортуқси кўнгул тилагандек шойиста хизматлар қилдинг, ини – ўғуллик, дўстлик қариндошликуни билдурууб, сенинг бу хизматларингдин ошири рози бўлдук. Энди сен доги билурсенки, улус эгаси Темурбек тамом мамоликни забт қилиб улашгонда, Табриз тахтини менинг отам Мироншоҳ Мирзога бергондуур. Сенга доги маълумдорки, ота юрти ўз юрт бўлур. Тенгри иноятига сиғиниб, бу фурсатларда Озарбайжон вилоятларини забт қилиб, ота юртини бурунги йўсун била забт қилайн деб келодуруман...” Мазкур мактубидан кўриниб турибдики, Султон Абусайд Узун Ҳасанни ўзига бўйсунишини, унинг оталари худди Амир Темурга хизмат қилгандек хизмат қилишини истаган.

Мирхонднинг “Равзатус-сафо” асарида ёзишича, ушбу номани олганидан сўнг, Узун Ҳасан Султон Абусайд Мирзога иниси Юсуфбекни элчи қилиб юбориб, сулҳ тузишни таклиф қиласди. У ўз мактубида Султон Абусайд Мирзодан узр сўраб, юз йилдан бери ота – боболари Амир Темур ва унинг авлодларига дўстона муносабатда бўлиб келаётгани, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолишини, фақат Озарбайжондан чиқиб кетиш учун баҳоргача рухсат беришни сўрайди. Султон Абусайд эса, Узун Ҳасаннинг бу узроҳлигидан янада ҳаволаниб, илгарилашни давом этади.²⁵

Адабиётшунос олим Рустам Жабборовнинг ёзишича, аслида бу Узун Ҳасаннинг ҳийласи эди. Шу тариқа у Абусайдни қопқонга туширмоқчи эди ва бунга муваффақ ҳам бўлди. Сулҳ таклифига қулоқ солмаган Султон Абусайд Мирзо Қорабоғ томон илгарилаб бораверади. Аммо ҳаддан ташқари совуқ ва озиқ-овқат танқислиги темурий султоннинг 50 минг кишилик қўшинини ҳолдан тойдирали. Амирлар ва беклар Султон Абусайддан юз ўгириб, яrim йўлда ташлаб кетадилар. Энди Султон Абусайднинг ўзи Узун Ҳасан билан сулҳ тузишни таклиф этиб, ҳатто унинг ҳузурига онасини йўллайди. Узун Ҳасан эса худди шу фурсатни кутиб турган эди. У Султон Абусайднинг оз сонли қўшинини осонлик билан мағлуб этиб, унинг ўзини асир олади.²⁶

²⁵ <https://telegra.ph/ABUSAID-MIRZONING-S%CC%89NGGI-MANZILI-05-23>

²⁶ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%D0%A3%D0%B7%D1%83%D0%BD%D0%A5%D0%BO%D1%81%D0%BO%D0%BD>

Тарихчи Абубакр Техронийнинг таъкидлашича, асир олинган темурийзодани Узун Ҳасаннинг чодирига олиб кирадилар. Узун Ҳасан унга пойгакдан жой кўрсатади. Шундай пайтда ҳам иззатталабликни унутмаган султон рақибиға қараб, “Сен менга муносиб эҳтиром кўрсатишинг, менга остонаян эмас, тўрдан жой беришинг шарт”, дейди. Узун Ҳасан унга жавобан: “Агар сен ўз ихтиёринг билан ҳузуримга меҳмон сифатида келганингда, уйимнинг тўри сеники бўларди, ҳозир сен урушда асир олинган душмансан”, деб жавоб қайтаради. Шундан сўнг Султон Абусайд бир пофона пастроқ тушиб, “оққўюнлилар ҳамиша темурийлар билан иттифоқ бўлган, темурийларга дўст эканингни мактубингда ҳам битгансан”, дея унинг марҳаматидан умидвор бўлади. Узун Ҳасан “Ҳа, биз Шоҳруҳ Мирзодан туғилган темурийлар билан дўстмиз, Мироншоҳ авлодларига эмас”, деб жавоб беради. Умидлари чилпарчин бўлган Султон Абусайд Мирзо сўнгги савол беради: “Темурийзодани қонини тўкишга қандай журъатинг етади?” Узун Ҳасан бу саволга ҳам аллақачон жавоб топиб қўйганди. Ўша пайтда Султон Абусайднинг ашаддий рақибларидан бири – Шоҳруҳ Мирзонинг чевараси Ёдгор Муҳаммад Мирзо (1451-1470) Узун Ҳасаннинг саройида эди. У Абусайднинг тақдирини ҳал қилишни Ёдгор Мирзога топширади. Ёдгор Мирзо эса орадан бир неча кун ўтиб, 1469 йил 8 февраль куни бувиси Гавҳаршодбегимнинг хуни эвазига ҳукмдорни қатл этади. Узун Ҳасан унинг бошини яна бир рақиби – Миср мамлукларидан бўлган Коитбейга юборади.

Султон Абусайднинг онаси Узун Ҳасаннинг ҳузурига йиғлаб келиб, ўғлининг бошсиз жасадини юртига олиб кетиш учун изн сўрайди. Узун Ҳасан онанинг илтимосини бажаради ва кичик бир карvon билан рақибининг жасадини Мовароуннахрга юборади. Аммо, манбаларга кўра, карvon йўлда қароқчилар ҳужумига учраб, талон-тарож қилинади, кўпчилик қиличдан ўтказилади, тирик қолганлар ҳар томонга тумтарақай бўлади. Шу тариқа Султон Абусайд Мирzonинг қабри ҳам ноаён бўлиб қолади.²⁷

²⁷ <https://telegra.ph/ABUSAID-MIRZONING-S%CC%89NGGI-MANZILI-05-23>

ҲАСАН ПОДШОХ

Диёрбакир беклигини улкан салтанатга айлантирган²⁸ Узун Ҳасан (1425–1478) Оққўюнлилар давлатининг буюк ҳукмдорларидан бири эди.²⁹ У Қорақўюнлилар давлатига чек қўйгач, пойтахтни Табризга кўчиради. У қўчманчи турк зодагонлари сепаратизмига қарши кураш олиб борган. Узун Ҳасан даврида кўприклар, бозорлар, мадрасалар, суғориш каналлари барпо этилган. Мулкчилик муносабатлари учун Узун Ҳасандан кейин ҳам дастуруламал бўлиб қолган “Қонуннома”ни ишлаб чиқсан. Ҳукмдор 1463 йилда Венеция билан Усмонли турк империясига қарши иттифоқ тузган. Венгрия, Польша ва бошқа Европа давлатлари билан музокаралар олиб борган. Грекларнинг Тарапзун империяси (1204-1461) билан ҳам бирлашиб усмонийларга қарши курашга бел боғлаган Узун Ҳасан Трапезунд императорининг қизи Феодоро Деспина хотунга уйланганди. Тарапзун Оқ қўюнлилар учун савдо бандаргоҳи бўлиб хизмат қиласиди.³⁰

Ширвоншоҳлар билан биргаликда (юқорида айтилганидек) 1469 йилда темурий Абусаид Мирзоны мағлубиятга учратган. 1473 йилда эса Узун Ҳасан дастлаб турк султони Мехмет 2ни енгган, аммо кейинчалик Бейшехрда бўлган жангда усмонилар томонидан тор-мор этилган. Малатия жангидаги эса оққўюнлилар ғалаба қозонди. Оққўюнлилар давлати усмонийларга қарши муваффақиятсиз кураш олиб борди. Кўчманчи Оққўюнлилар давлати усмоний туркларнинг мунтазам қўшинига қарши ҳеч нарса қилолмади. 1473 йили Фурот дарёси бўйида бўлиб ўтган Тержон жангидаги қақшатқич мағлубиятга учрашди.³¹ Унинг саройида бўлган венециялик элчилар Катарино Зено, Иосафат Барбаро, Амброджо Контиаринилар Узун Ҳасан давридаги Оққўюнлилар давлати ҳақида қимматли ёзма маълумотлар қолдиришган.³²

Манбаларда ёзилишича, Оққўюнлиларнинг биринчи султони Нусратиддин Абу Наср Ҳасанбек 1453 – 1478 йилларда ўзи тузган

²⁸ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%D0%90%D0%BA%D0%9A%D0%BE%D1%8E%D0%BD%D0%BB%D1%83>

²⁹ https://hrono.ru/biograf/biyo_u/uzunhasan.php

³⁰ <https://telegra.ph/Uzun-Hasan-va-Oqqoyunlilar-davlati-10-03>

³¹ <https://telegra.ph/Uzun-Hasan-va-Oqqoyunlilar-davlati-10-03>

³² <https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/uzun-hasan-uz/>

оққүюнлилар салтанатини бошқарған. Салтанат таркибига Эрон, Ироқ, Анатолия, Арманистон ва Озарбайжон мулклари кирган. У “Эрон подшоҳи” мақомига эга бўлган.³³

Султоннинг Салжуқшоҳбегим, Жонбегим, Тарджилбегим ҳамда Тарапзун императори Иоан 4нинг қизи Феодоро Мегала Комнена исмли хотинлари ва Халилбек, Яъқуббек, Ўғурли – Муҳаммадбек, Мақсудбек, Юсуфбек, Зейналбек, Масихбек каби етти ўғли ҳамда Ҳалима (Исмоил Сафавийнинг онаси) исмли қизи бўлган.³⁴

МАЛИКА “БУЮК ФЕОДОРО”

Манбаларда “Буюк Феодоро” деб шарафланадиган Тарабзун салтанати (1204-1461) императори Иоан 4нинг қизи малика Феодоро Деспина Хотун (1438-1478) ўз даврида ҳусни – жамолда тенгсиз ҳисобланган. Унинг бетакрор гўзаллиги ҳақида ривоятлар тўқилган. Англиялик сайёх Дональд Николнинг ёзишича, “*Унинг афсонавий гўзаллиги нафақат, Форс диёрида, балки Венеция ва Farбда ҳам машҳур эди*”. Қора денгиз қирғоқлари, Кичик Осиёнинг шимолий-шарқида, қисман Крим ва Кавказни қамраб олган Тарапзун салтанати императори Оққүюнлилар давлати билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда салтанатни сақлаб қолиш учун малика Феодорони Узун Ҳасанга тортиқ қиласи. Оққүюнлиларнинг биринчи қудратли сultonи Узун Ҳасан христиан мамлакати маликасига уйланади. Энг қизиги Феодоро ислом динини қабул қилмаган. Унга саройда христиан динига эмин - эркин эътиқод қилишига шароит яратиб берилган.³⁵

Манбаларда келтирилишича, малика Узун Ҳасандан уч фарзанд кўрган. Шулардан бири Форс волийси Рустамбек деб талқин қилинади. Қизи Оламшоҳбегим эса Ҳайдар Сўфига турмушга чиқади. Ана шу маликадан эса шиалар шоҳи Исмоил Сафавий дунёга келган.

³³<https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%BO%DO%BD>

³⁴<https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%BO%DO%BD>

³⁵[https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%85%BO%D1%82%D1%83%DO%BO%DO%BD\)](https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%85%BO%D1%82%D1%83%DO%BO%DO%BD)

Манбаларда ёзилишича, Оққўюнлилар давлатининг Ғарб билан олиб борган дипломатик алоқаларида малика Феодоро муҳим рол ўйнаган.³⁶

СУЛТОННИ ОНАСИ ЗАҲАРЛАГАНМИ?

Султон Яъқуб Озарбайжон, Ироқ ва Эроннинг бир қатор шаҳарларини эгаллаб, оққўюнли туркманлар давлати ҳудудига кўплаб мулкларни қўшиб олади. Султон Яъқуб даврида Оққўюнлилар мулки Шарқнинг қудратли давлатларидан бирига айланади.³⁷ 1489 йили Султон Яъқуб даврида маслаҳатчи Сайфиддин Исо томонидан молиявий ислоҳотлар бошланади. Бу ислоҳот авлоддан авлодга мерос суюрғол тизимини ўзгартириб, янгидан ерларни рўйхатга олишни кўзда тутарди. Суюрғолдан айрилиб қолишни истамаган мулқдорлар ислоҳотга кескин норозилик билдиришади. 1490 йили Султон Яъқуб ва укаси Юсуфбек онаси томонидан заҳарлаб ўлдирилади ва ислоҳотлар эса тўхтатилади. “Музаккири аҳбоб”да ёзилишича, “Яъқуб подиоҳ 896 или 20-30 ёшлар орасида вафот этган:

*Умри он Хусрави баланд жсаноб,
Буд дар ашари сеййумин зи шабоб.*

(Мазмуни: Ул олижсаноб подиоҳнинг умри, йигитликнинг учинчи ўнлигида эди.)

Подиоҳнинг вафоти таърихини Мавлоно Биноий шундай айтган:

*Шоҳ Яъқуб онки, шоҳонаш,
Ҳама чокар шуданду вай хусрав.
Буд Кайхусрави замони хеш,
Рафти таърих монд “Кайхусрав”.*

(Мазмуни: Шоҳ Яъқуб шундай одам эдики, барча шоҳлар унга хизматкор, у эса подиоҳ бўлган эди. Ўз замонининг Кайхусрави эди, кетди-ю таърих “Кайхусрав” бўлиб қолди).

Яъқуб подиоҳнинг бу дунёдан кўчиши аҳволи (ўлими) тўғрисида шундай нақл қилинади. Онаси Яъқубнинг укаси Юсуфни кўпроқ яхши кўрар ва унинг подиоҳ бўлишини хоҳлар экан. Шу ниятда

³⁶ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%BO%DO%BD>

³⁷ https://republic.preslib.az/ru_a2.html

шарбатга заҳар солиб, Яъқубга берибди. Яъқуб ўзи ичган, ўша шаробдан меҳмон қилиши учун укасига ҳам насиба чиқартирибди. Укасининг онаси қилган бу суиқасдан хабари йўқ экан – билмасдан у ҳам ичибди ва онаси ҳузурига ҳам татиб кўриши учун юборибди. Онаси ҳам “ўзинг ичирган шарбатдан ичирсан” мазмунига кўра, заҳарланган шарбатдан ичибди ва “қазо етса – кўздан нур қочади” ҳукмига биноан ҳаётдан кўз юмибди. Мавлоно Биноий улар марсиясида шундай шеър айтган:

*На аз Юсуф нишон дидам, на аз Яъқуб осоре,
Азизон, Юсуф а-р гўм шўд, че шуд Яъқубро боре?*

*(Мазмуни: На Юсуфдан бир нишон топдим, на Яъқубдан бир из, азизлар, Юсуф агар йўқолган бўлса, Яъқубга на бўлди, бу гал?)*³⁸

Албатта, Биноий тилидан келтирилган юқоридаги маълумотлар ҳақиқатга яқин. Чунки шоир бу пайтда Султон Яъқуб ҳузурида – Табриз саройида бўлган, султоннинг мусоҳиби – “Ҳарифи мажлис”и бўлиб хизмат қилган, отаси ўлимидан сўнг Бойсунқур тахтга чиққач, Мавлоно Биноий ватани – Хурсонга қайтган. Манбаларда султон онасининг исми – Салжуқшоҳбегим сифатида қайд этилган.³⁹ Айрим тарихий маълумотларда Султон Яъқубнинг ким томонидан заҳарлангани айтилмай, балки суиқасд сабабли кучли заҳарланишдан вафот этгани зикр этилади.⁴⁰ Айрим асарларда султон хотини Ширвоншоҳ Фарруҳ Ясарнинг қизи Гавҳар Султон томонидан заҳарлангани айтилган.⁴¹ Тарихчи Ҳасан Румлуға кўра эса, Салжуқшоҳхоним Узун Ҳасаннинг Масиҳ исмли ўғлини заҳарламоқчи бўлган. У ичиши керак бўлган шарбатга заҳар солади. Кутимагандан ҳаммомдан ювиниб чиққан Яъқуб подшоҳ ва укаси Юсуф уни ичиб, заҳарланадилар. Бундан хабар топган онаизор қилмишидан пушаймон еб, ўз жонига қасд қиласди.⁴²

1508 йилда эса сўнгги оққўюнлилар султони Муродни енгиб, Исмоил Сафавий бу салтанатга чек қўяди. “Тарихи Рашидий”да ёзилишича, “Ироқ (Ироқи Ажам)да Султон Яъқуб ибн Узун Ҳасан вафотидан сўнг шаҳзодалар ёш бўлганликлари боис подшоҳлик

³⁸ Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири ахбоб. Т. Мерос, 1993.-Б.72.

³⁹ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%BO%DO%BD>

⁴⁰ <https://telegra.ph/Uzun-Hasan-va-Oqqoyunlilar-davlati-10-03>

⁴¹ <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/%DO%A3%DO%B7%D1%83%DO%BD%DO%A5%DO%BO%D1%81%DO%BO%DO%BD>

⁴² Нәсән бәй Румлу. Әhsənüt - тәварих. Kastamonu, 2017.-С.330.

инқирозга учрайди. Шунда шоҳ Исмоил майдонга чиқди, у зўравонлик манбаи, ёруғ оламнинг заҳар-закқуми эди. У ўзга подшоҳлар сулоласини томири билан қуритди”.⁴³

ҲУСАЙН БОЙҚАРОГА ЁҚМАГАН ҒАЗАЛ

Албатта, бу сулоланинг машхур ҳумкдорларидан бири – Султон Яъқубдир. Юқорида зикр этганимиздек, “Мажолис уннафоис”да Навоий шеър ёзган ҳукмдорлар номини зикр этар экан, туркман султонлари ичида “*а ning(Султон Яъқуб)дек писандида зотлиғ ва ҳамида сифатлиғ йигит оз бўлгай*”, дейди. Тазкираларда шоҳлар шоирининг шеърлари келтирилган:

*Оlam ki dar u sabot kam mebinam,
Va z-ҳар фараҳаш ҳазор гам mebinam.
Чун кўҳна работистки az ҳар тарафаши,
Роҳи ба биёбони адам mebinam.*

(Мазмуни: Бу оламда саботни кам кўраман, Ва ҳар хурсандчилигидан мингта ғам кўраман. У кўҳна работдирки ҳар тарафидан, Борсакелмас биёбонига йўлни кўраман.)⁴⁴

Султон Яъқуббек ажойиб шоир бўлган, гўзал шеърлар ёзган:

*Лашкар кашиам az ашку барорам алам az ox,
Хоҳам гирифт руйи заминро бадин сипоҳ.
Банди камар кашидам az шоҳи Мисриён,
Қайсаρ маро аст чокар ва ийзад маро паноҳ.
Шоҳи Ҳирот чун зи дилу жон мухибби мост,
Хоҳам задан ба мулки Самарқанд боргоҳ.
Султони беоро гар қадам az ҳад барун неҳад,
Мулкаш ба зарбу теги сиёсат кунам табоҳ.
Яъқубвор мунтазири руйи Юсуфам,
Ҳастам гуломи Маҳдиву мастам з-жоми шоҳ.*

(Мазмуни: Кўз ёшидан лашкар тузаман ва оҳимни байроқ қилиб кўтара жасаман ва шу сипоҳ билан ер юзини олажасаман. Мисрликлар шоҳидан камар боячини тортиб олганман, Қайсаρ (турк султони) менга хизматдадир, худо эса паноҳим, Ҳирот шоҳи менга жону дил билан муҳлисдир, шу учун Самарқанд мулкига ҳам

⁴³ <https://e-tarix.uz/milliyat-insholari-332-tarixi-rashidiy.html>

⁴⁴ Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т. Мумтоз сўз, 2014.-Б.81.

чодиримни тикажакман. Султон агар ўз ҳаддидан ташқари қадам қўйса, мулкини сиёсат гурзиси ва қамчи билан вайрон қила жакман. Яъқубвор Юсуфнинг юзига интизорман, Маҳдининг гуломиману шоҳнинг жомидан мастман).⁴⁵

Ҳасанхожа Нисорийнинг ёзишича, Султон Яъқуб мазкур ғазалини Султон Ҳусайн Мирзога юборган экан. Шеър эса Султон Ҳусайн Бойқарога ёқмаган. Унга жавобан бир мазмундор ва чиройли ғазал битиб юборибди. Ғазал:

*Ин тахту тож мулк ба ман дода аст Оллоҳ,
Хизр аст ҳамроҳи ману ийзад маро паноҳ.
Ҳастам басони Рустами дастон ба рузи жанг,
Ва зи зол ҳеч бок надорам басари шоҳ.
Аржи тамоми лашкари Яъқуб мешавад,
Сабухе ки мебаранд гадоён зи хонақоҳ.
Ҳарчанд тожсу тахт туро дар нигин бувад,
Дар ҳеч кас ба чаими ҳақорат макун нигоҳ.
Хоҳи ки мулки форс мұяссар шавад Ҳусайн,
Ўфтода бош дар роҳи ийзад чу хоки роҳ.*

(Мазмуни: Бу тожси тахтни бермишидир менга Оллоҳ, Хизрdir ҳамроҳим, Ҳудо менга паноҳ. Жанг қуни Рустами достон билан тенгман, Бошдаги оқ соч қайтара олмас, кирсам жанггоҳ. Яъқуб лашкарин барчасининг харжи бўлур, Гадоларга наҳор оши берса бизнинг хонақоҳ. Тожсу тахт нечоғлик узугинг измида бўлмасин, Ҳеч кимга ҳақорат кўзила қилма нигоҳ. Форс мулки мұяссар бўлсин десанг, Ҳусайн, Ташила ўзинг Ҳудо йўлига, бўлиб мисли хоки роҳ.)⁴⁶

АДАБИЁТ ГУЛЛАБ ЯШНАГАН ДАВР

“Маълумки, Ҳирот Темурийларнинг (1370-1506) сўнгги вакили Ҳусайн Бойқаро (1469-1506) даврида гуллаб яшнаган. Темурийларга қўшни бўлган заминдаги Оққўюнлилар сулоласи ҳам маданият ва санъат тараққиётига катта эътибор берган”.⁴⁷ Оққўюнлилар салтанати ҳукмдорлари хузурида саройда тўпланган шоирлар иштирокида адабий мажлислар ўтказилган. Оққўюнлилар

⁴⁵ Кўрсатилган асар..-Б.81.

⁴⁶ Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири ахбоб. Т.:Мерос, 1993.-Б.70-71.

⁴⁷ Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471). (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). Research institute for languages and cultures of Asia and Africa (ILCAA), 2015.-Р.13.

мамлакати султони Яъқуб бошчилигидаги адабий мұхитда Фахрий Ҳиротийнинг ёзишича, күплаб шоирлар ижод қилған. Шулардан 40 нафари ҳақида Фахрий Ҳиротий тазкирада маълумот беріб ўтган. Демак, шоирларнинг сони юзга яқин ёки ундан ортиқ ҳам бўлган бўлиши мумкин.

САРОЙ АДАБИЙ МУХИТИ

“Сир эмаски, Навоий Қоракўюнли ва Оққўюнли давлатларидағи адабий мұхитдан ҳам хабардор бўлган”.⁴⁸ Бинобарин, Алишер Навоий ҳам Оққўюнлилар адабий мұхити намояндалари, яъни Султон Яъқуб саройи шоирлари ҳақида шундай маълумотларни келтириб ўтган: “Шайх Нажм – ҳам совалиқдур ва Қози Исаға қаробатдур. Султон Яъқуб қошида андин маҳсусроқ ва нойиброқ киши йўқ эроди. ...Фуқаро ва масокиннинг ишига кўп мададкорлиқлар қилди. Андоқки яхши оти атроф ва жавонибқа борди. Бу фақир(Навоий) била даги гойибона мұхаббат ва ёрлик ва инилиқ қоидасин маръи тутти”, дейди ва унинг шеъридан намуна келтиради. У Навоий билан мактуб ёзишиб турган.⁴⁹ Шунингдек, “Қози Исоны Султон Яъқуб ул мартабада таъзим ва тарбият қилдиким, ҳеч подшоҳ аҳли алоқадин ҳеч кишини онча тарбият қилганини тарихларда кўрилмайдур. Дерларким, шеърга андоқ машъуфдурким, кунда ўн газал, балки кўпроқ ҳам айтур эрмиш...”⁵⁰ Албатта Навоий зикр этган ҳам қозилик, ҳам шоирлик билан шуғулланган Қози Исо Султон Яъқубни ҳамиша адолатга ун DAGAN. Қазвиний у адолат билан кўпчиликнинг қалбида ҳурмат иморатини қурган эди, деб ёзган.

ХОРАЗМЛИК АНИСИЙ – СУЛТОННИНГ ДЎСТИ

“Сом Мирзо Сафавий (1517-1576) шоирларга бағишлиланган “Тухфаи Сомий” тазкирасида Абдураҳим Хоразмийни Мавлоно Анисию номли шоир сифатида таништириб, қуйидаги маълумотни келтиради: “Мавлоно Анисий асли Хоразмлиkdir. Султон Яъқуб

⁴⁸ Алишер Навоий. Оққўюнли мұхлислар девони (1471 йил). (Нашрға тайёрловчилар: А.Эркинов, Р.Жабборов). Т. “Шарқ” НМАК БТ, 2020. –Б.10.

⁴⁹ http://navoi.natlib.uz:8101/uz/majolis_un_nafois_un_uchinchi_tom/izoh_va_tarjimalar/

⁵⁰ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.408-409.

хизматида бўлган. Настаълиқ хатини юксак маҳорат билан ёзгани учун халқ уни Султонали Машҳадийдек деб биларди. Аниси 1460-1494 йиллар оралиғида, яъни ўттиз йилдан кўпроқ давр мобайнида оққўюнлилар саройида хизмат қилиб, сулола ҳукмдорлари учун бир неча қўлёзмаларни кўчирган.

Қози Аҳмад хаттоллар ва рассомлар тўғрисидаги рисоласида ёзишича, Аниси тахаллусига оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб уни ўзига яқин тутиб анис-дўст деб атагани асос бўлган. Яна кўпгина шоирлар Анисиининг шогирдлари бўлиб, унинг услубига эргашиб шеър битишган. Демак, (Султон Яъқуб саройи шоири) Аниси – Абдураҳим Хоразмий яхши шоир ҳам бўлган экан. Аниси форсча шеърлардан иборат девон яратиб, уни 899/1493-94 йили ўзи кўчирган ва бу дастхат нусха бизгача етиб келган”.⁵¹

“Навоий билан деярли бир пайтда оққўюнлилар давлати пойттахтида яшаган мазкур хоразмлик котиблар сулоласининг вакили ҳам Навоий ҳаёти ва шахсиятини оққўюнлилар билан боғлаб турган муҳим тарихий шахслардан биридир. Ушбу котиб томонидан 1471 йилда Навоийнинг 229 та шеърини ўз ичига олган “Оққўюнли мухлислар девони” ўғуз лаҳжасига мослаб кўчирилган.

Бугунги кунда Қоҳира шаҳридаги Миср миллий кутубхонасида сақланаётган ушбу нодир қўлёзманинг аниқланиши ва ўрганилиши филология фанлари доктори Афтондил Эркинов номи билан боғлиқ”.⁵² “Ушбу девон Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан 1465-1466 йилларда тузилган “Илк девон”дан кейинги мухлислар девони сифатида навоийшунослик учун аҳамиятли бўлиб, оққўюнлилар салтанати марказий шаҳарларидан бўлган Шерозда кўчирилган деб, тахмин қилинади.

“Оққўюнли мухлислар девони”га Навоийнинг 30 ёшгача ёзган шеърлари киритилган”.⁵³

Абдураҳим Хоразмий – Аниси умрининг маълум қисмини Табризда, оққўюнлилар саройида ўтказган. Худди шу шаҳарда буюк шоирларнинг китоблари қатори Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий асарларини кўчирган.

⁵¹ Алишер Навоий. Оккуюнли мухлислар девони (1471). (Нашрга тайёрловчи А.Эркинов). Research institute for languages and cultures of Asia and Africa (ILCAA), 2015.-P.18-19.

⁵² <https://zarnews.uz/post/qoshrabotdan-topilgan-ruboiyning-alisher-navoiy-qanday-alqasi-bor>

⁵³ <https://uza.uz/uz/posts/o-yunli-mukhlislar-devoni-navoiiyning-yangi-devonimi-07-02-2020>

Эроннинг Техрон шаҳридаги кутубхонада адабиётшунос Афтондил Эркинов томонидан Навоийнинг Оққўюнлилар салтанатида тайёрланган “Илк терма девони” аниқланган. Афтондил Эркинов “Навоийнинг “Илк терма девони” Оққўюнлиларга тегишлими?” мақоласида ёзишича, “Мақоламизни Навоийнинг “Илк терма девони” Оққўюнлиларга тегишлими? деб номлангани бежиз эмас. Аввало, Техрон кутубхонаси тавсифида кўриб чиққанимиз қўлёзма “Девони тукмонони Оққўюнлу” (Оққўюнли туркманлар девони) деб номланган ва Оққўюнли туркманлар даврида кўчирилган, деб ёзилган. Оққўюнлилар салтанати (1378-1501) қисман ҳозирги Туркия шарқи), Арманистон, Озарбайжон, Шимолий Ироқ ва Эрон ҳудудларида ҳукмронлик қилган ўғуз туркларига мансуб эканлиги маълум. Туркман деганда эса ўша даврдаги ўғуз турклари тушунилган. Бу сўзни айни маънода Навоий ҳам “Фарҳод ва Ширин” достонида қўллаган. Кутубхона тавсифида “Девони тукмонони Оққўюнлу” номи қайси асосда қўйилгани (қўлёзма нақшлари, қўлёзма ёзуви услуби ва бошқалар) айтилмаган. Муҳими, кутубхона тавсифида қўлёzmанинг оққўюнлиларга оидлиги кўрсатилган”.⁵⁴

Анисий дастхатига мансуб бугунги кунга қадар етиб келган нодир қўлёзмалардан бири Алишер Навоий шеърлари орасидан саралангандан сайланмадир. Чамаси, Анисий Алишер Навоий байтларидан иборат сайланма тузуб, Султон Яъқубга тухфа қилган. Мазкур қўлёзма 1381 йилда Табризда кўчирилган. Алишер Навоий шеърлари кирган мазкур тўплам шартли равища “Султон Яъқуб сайланмаси” деб аталади”.⁵⁵

“СУЛТОН ЯЪҚУБ САЙЛАНМАСИ”

Дарвоқе, яқинда филология фанлари доктори, навоийшунос олим Афтондил Эркинов томонидан топилиб, фанга олиб кирилган “Султон Яъқуб сайланмаси” айнан оққўюнлилар ҳукмдори адабий йиғинларида ўқилган шеърлар жамланмаси ҳам бўлиши мумкин: “Султон Яъқуб сайланмаси, 885/1480-81 йил, кўчирилиш жойи – Табриз (эҳтимол). Котиби – Абдураҳим Хоразмий ал-Яъқубий.

⁵⁴ Эркинов А. “Илк терма девон” Оққўюнлиларга тегишлими?/ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси.-Ташкент.20221 йил 5-февраль.-№6 (4613).-Б.4.

⁵⁵ <https://zarnews.uz/post/qoshrabotdan-topilgan-ruboiyning-alisher-navoiy-qanday-aloqasi-bor>

Сақланиши жойи – хорижедаги намаълум коллекция. Қулёзмада Навоийдан 12 та шеърий парча бор. 2019 йили навоийшуносликка маълум бўлган. Биз уни шартли тарзда “Султон Яъқуб сайланмаси” деб атадик. Сабаби қўлёзма ҳақида унинг колфонида айни китоб Султон Яъқуб учун “ал-интихоб” – яъни, сайланма тарзида тузилди дейилган. Интернет фактларидан келиб чиқадиган бўлсак, мазкур қўлёзма Буюк Британиядаги антиқа буюмлар савдоси билан шугулланувчи Сотбис аукционида шахсий коллекция учун сотиб олинган. Ўшанда 12 варақ (24 бет)дан иборат бўлган (қўлёзма аслида бундан кўпроқ саҳифага эга бўлган бўлиши ҳам мумкин). Бизга бундан-да камроғи маълум – кичик қўлёзмадан олти саҳифа нусхасини қўлга киритишга муваффақ бўла олдик, холос. Муҳими, уни ҳам “Оққўюнли мухлислар девони”дан чамаси, 10 йил кейин – 885/1480-81 йили кўчирган котиб Абдураҳим Хоразмий ал-Яъқубий номи остида тайёрлаган. Бу вақтга келиб, Абдураҳим Хоразмий ўз тахаллусига ал-Яъқубий номини ҳам қўшиган. Қўлёзма Оққўюнлилар (1378 – 1501) салтанати ҳукмдорларидан Султон Яъқуб (1478-1490) буюртмаси асосида тузилган. Асосийси, тўплам “Илк девон” ва “Оққўюнли мухлислар девони”дан кейинги, Алишер Навоий шеърияти ихлосмандлари томонидан тузилган учинчи тўпламдир”.⁵⁶

АДАБИЙ МАЖЛИС МУСОҲИБИ ВА САЛТАНАТНИНГ “МАЛИКУШ-ШУАРО”СИ

Форсийнавис шоир Мавлоно Шаҳидий (1431-1530) бир неча муддат Султон Яъқуб адабий мажлиси мусоҳиби бўлган:⁵⁷ “(Мавлоно Шоҳидий) Ошуфтаваши ва девонасор киши кўрунур. Аммо бу тарийқлари жаъли ранг ҳам бор. Ироқдин Хуросонга икки навбат келиб борди. Бадиҳаси равондур ва таассуби ғолиб ва табъи ҳазлга кўп роғибдур”.⁵⁸ “Мажолис ун-нафоис” таржимони Муҳаммад Қазвиний Мавлоно Шоҳидий Ироқдан Хуросонга келганда, Абдураҳмон Жомий сұхбатига мушарраф бўлгани ва

⁵⁶ Эркинов А. Алишер Навоий девонларининг аникланган янги нусхалари (2010-2021 йиллар)/ “Алишер Навоий ва Қўқон адабий мұхити” мавзусидаги халқаро илмий анжуман материаллари(21-22 май 2021 йил). Қўқон, 2021.-Б.201-211.

⁵⁷ Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.299.

⁵⁸ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ф.Фулом номидаги БАН, 1966.-Б.164.

Навоий билан сұхбатлашганини ёзган.⁵⁹ Шоир Шаҳидий Қумий Султон Яъқуб замонининг “Маликуш-шуаро”си унвонини ҳам олган.

НАВОЙНИ КҮРИБ КЕТГАН ШОИР

Навоий Оққүюнлилар салтанати шоирларидан Мавлоно Хумоий ҳақида шундай ёзган: “Аммо қўпрак авқот (вақт), балки ҳамишиша Ироқда бўлур. Бир қатла келиб кетти. Бағоят фақир ва камсухан ва номурод киши кўрунур. Аммо наузу биллоҳ андинким, бир мажлисда анга бир аёқ берсалар, ул арбада ва тургўйлиқким, андин зоҳир бўлур, аниг шарҳи мутаazzирдур.”⁶⁰

ОҚ ҚҮЮНЛИЛАР САЛТАНАТИ НАЗМ АҲЛИ

“Шафиъий” тахаллуси билан ижод қилган зуллисонайн шоир Зиё Табризий Оққүюнлилар сулоласидан Яъқуб Султон саройида бир муддат хизмат қилиб, умрининг охирида Табризга қайтиб келади.⁶¹

Туркман бекларидан сохибдевон шоир Шоҳ Туркман Адҳамий Иброҳим тахаллуси билан шеърлар ёзган. Навоий унинг “Мутаайин хуштабъ ва зарофатлиқ киши” эканини эътироф этган.⁶² Амир Музаффар Туркман Султон Яъқуб саройи шоирларидан бири бўлган. Нисорийнинг ёзишича, “Яъқуб подшоҳнинг қадимий амирларидан Амир Музаффарнинг хуш сұхбати ва дилкаши мажлиси бор эди. Иншо ва имло қоидаларини яхши биларди. Яхшигина шеърлар айтарди:

*Дар хильати сафиид қадди он пари ҳисол,
Шоҳи шукуфе аст зи бустони эътидол.*

(Мазмуни: Ул пари ҳисолнинг қадди оқ кийимда, Адл дарахтли бўстондаги оппоқ гуллаган шоҳага ўхшайди.)”⁶³

Султон Яъқуб даври адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унинг атрофидаги амалдорлар,

⁵⁹ Алишер Навоий: Қомусий лугат. Биринчи жилд. Т: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.299.

⁶⁰ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ф.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.164.

⁶¹ Алишер Навоий: Қомусий лугат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.192.

⁶² Кўрсатилган асар. –Б.163.

⁶³ Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири ахбоб. Т. Мерос, 1993.-Б.180-181.

ҳокиму зиёлилар, сарой айёнларининг барча-барчаси шеър айтган, шоир бўлган.

ДАРВИШ ДЕҲАКИЙ

Манбаларда Оққўюнлилар салтанатининг энг машҳур шоирларидан бири сифатида Дарвеш Деҳакий тилга олинган. “Мажолис ун-нафоис”да Навоий Дарвеш Деҳакий ҳақида ёзар экан, “Дерларким, абдолваши кишиидур. Девони дойим белига боғлиқдур. Ҳар байти, ё маънисига эҳтиёж бўлса, кўргали филҳол девонин чиқариб, топиб кўргузур. Филвоқеъ фақир(Навоий)нинг шеърга шуурум бор ул тарафдан(Оққўюнлилар юртидан) аниг абётидин яхшироқ назм келмади” дейди. Муҳаммад Қазвиний Деҳакий ҳақида қуйидагиларни қайд этган: “Султон Яъқубхон Дарвеш Деҳакийни ҳузурига чорлаганда, у (мажлисда) бир байтни ўқибди. Унинг биринчи мисраси маъноси шундай экан, “Агар унинг ўқи олдимга йўналса, орқамга қалқон тутаман”. Буни эшиштан шоҳ таажжусуб қилиб, ўқдан сақланиши учун орқага қалқон тутиши нимаси? – деганда, шоир: “Сабр қилинг, иккинчи мисрани эшиштинг” дебди: “Токи унинг ўқи – новакининг чиқиб кетиши йўли бекилсин”. Шоҳ шунда лол қолиб, шоирга “Нимаки тилагинг бўлса айтгил, бош устига бажараман”, дебди. Шоир “Дўстга дўстдан яхшироқ нарса йўқ”, дея жавоб берибди. Шоҳ яна фикрини қайтарганда, шоир: “Боғларимдан олинаётган хирождан озод қиласангиз”, дебди. Шоҳ буни бажарибди.” “Бадое ул-вақоэъ”да Мавлоно Биноий Султон Яъқуб билан учрашуви ҳақида ҳикоя қилган. Шоир тилидан баён этилишича, “Табриз вилоятига яқинлашдик. Яъқуббек мулозаматига мушарраф бўлдик. Бу дилнавоз шоҳ деди: “Бизнинг диёрда сизларга нималар ёқди?” Мен: “Дарвеш Деҳакий сухбатидан ўзга ҳеч нарса ёқмади”, дедим. Дарвешни мадҳ ва васф қилдим. Шоҳ Деҳакийни ҳузурига чорлади.

(Адабий мажлисда Деҳакий) Шоҳ билан учрашганда (йўлда ёзилган) ғазални тақдим этди. Мажлисда юз чоғлик киши ўтирганди. Мажлисда ғазални тинглаб, ҳамманинг кайфияти кўтарилиди. Подшо сўради: “Хазрати Дарвиш фақирдан не-не талаб қиласидилар?” Дарвиш: “Подшоҳимизнинг умрини тилаймиз”, деди”. Биноий юқорида мисол тариқасида келтирилган Султон Яъқуб

хузуридаги ана шундай мажлисларда кўп маротаба бир неча йил мобайнида иштирок этган. Албатта, бундай маълумотлар Яъқуб Мирзонинг бир томондан ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб қувватлатлаганини, қадрлаганини, иккинчи томондан шеъриятни чуқур тушунганини кўрсатади.

КАМОЛИДДИН БИНОЙ – ЯЪҚУБЕКНИНГ “ҲАРИФИ МАЖЛИС”И

“Бобурнома”да (юқорида таъкидлаганимиздек,) шоир Бинойнинг Оққўюнлилар салтанатига, яъни Яъқуббек саройига 1487 йилда борганлиги зикр этилган: “...*Ироқ ва Озарбайжонга Яъқуббек қошига борди. Яъқуббек қошида ёмон эмас эди, ҳарифи мажлис(улфат) бўлиб эди. Яъқуббек ўлгандан сўнг ул вилоятларда турмай Ҳири(Ҳирот)га қайтди*”.⁶⁴ Яъни, Султон Яъқуб Бинойни ўз саройида “ҳарифи мажлис”-суҳбатдош лавозимига тайинлаган.

Навоийшунос Шуҳрат Сирожиддиновнинг ёзишича. “Султон Яъқуб вафот этгач, Биной Ҳиротга қайтиб, Алишер Навоий томонидан яхши кутиб олинади ва унинг мушиораларида қатнашишига муваффақ бўлади. Аммо шу вақтда аскиябозлик иигинида қўпол ҳазил қилиб, Навоийнинг дилини оғритиб қўяди...

Шундан сўнг Биной Самарқандга Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига кетади. У бу шаҳарда Навоийга багишлаб ёзилган “Мажмаъ ул-гаройиб” қасидасида улуғ шоирнинг мушиоралари унга жон багишловчи оби ҳаёт эканлигини эътироф этган:

**Ҳамчу оби ҳаёт мажлиси ту,
Рӯҳи жон аст руҳбахши жинон.**

(Мазмуни: Сенинг мажлисинг ҳаёт суви кабидир, У жонга руҳ багишлагувчидир).

Бинобарин, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дўғлат Навоий ва Биной ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига қуйидаги воқеа сабаб бўлганини айтган: “...Бинойдурки, булар ҳам фозил ва шоир эрдилар. Буларнинг Мир Алишернинг орасида (мажлисларда) ҳамиша баҳслар ўтар эрди. Ва ул зарофатки буларнинг орасида ўтибдур, машхурдур.

⁶⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.: “Шарқ” НМАК БТ, 2002.-Б.138.

Биноий айтибурки, Мир Алишернинг бошиға зарофатнинг ҳавоси тушибур. Мир Алишер ҳам зарофатлик бўлғайму деб. Мир Алишер айтибурки, Биноий девона бўлубур. Биноийни дорушшифоға олиб бориб даволанглар ва нухудоб беринглар, дебур. Бу жиҳатдин Биноий қочиб Ироққа борубур. Ироқда Султон Яъқуб тарбият қилубурлар. Неча муддатда кейин яна ёниб Ҳиротға келибур. Мир Алишер киши йибориб чорлаб олиб келибур. Лутфу марҳамат бирла ошнолик қилибурлар. Ва инъому эҳсон ҳам қилибурлар. Ва ўтган воқеаға узр айтибурлар. Ондин Мир Алишер сўрабурки, Ироқ вилояти (Оққўюнлилар давлати) қандоқ жой экан, деб? Биноий айттиларки, ироқийларнинг бир қисми иши манга хўб кўриндики, улар асло туркий шеър айтмас эканлар. Мир Алишер айттиларки, сиз ҳануз хушёр бўлмаган экансиз, мундоқ тааррузни тарқ қилинг. Ошнолик ва ёрлик аросидаги иттиҳоднинг сўзини айтинг, рост сўз айтингки, менинг девонларимнинг орасида қайси матлаъни яхши кўрдингиз. Биноий айттики, халқ аросида ҳаммаға бу матлаъ марғубурки:

**Кўкаракимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кифриким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.**

Мир Алишер айттики, сиз ажаб эътиrozчи одам экансиз, бу матлаъни мен Мавлоно Соҳибин сотиб олиб эдим, бу жиҳатдин бу сўзни айтасиз, деди. Биноий айттики, манга мундоқ сўзнираво кўрманг, менинг сизда таарruz қилғали ҳаддим борму? Мен воқеани билмас эрдим. Мундин бўлак яхши матлаъларингиз ҳам бор. Бу матлаъ ҳам ондин яхшироқурки:

**Бошимиздин сояи сарви қаддинг кам бўлмасун,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.**

Мир Алишер айтти, бу матлаъ Мавлоно Лутфийнингдур. Сиз ҳаргиз тааррузни тарқ қилмабсиз, деб яна икковлон озор юзидин жудо бўлишдилар”⁶⁵.

ХУРОСОНЛИК ШОИРЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ

Оққўюнлилар салтанати ва Яъқуб подшоҳ ҳузурига хurosонлик Сайд Козими,⁶⁶ Хуррамий,⁶⁷ Мавлоно Шайхий⁶⁸ каби

⁶⁵ Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. Т. Ўзбекистон, 2011.-Б.287.

⁶⁶ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ф.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.45.

⁶⁷ Кўрсатилган асар.-Б.78.

кўплаб шоирлар бориб, саройдаги мушоираларга қатнашишган. Жомий (1473 йилда) ҳаж сафаридан қайтишда Табризда Оққўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасан билан мулоқотда бўлган. “Рашаҳот”да ёзилишича, “*Таваққуф этмай Ҳалабдин Табриз иўлига юз қўйдилар... Ва Қози Ҳасан Мавлоно Абу Бакр Техроний ва Дарвии Қосим Шиговулким, Ҳасанбекнинг аъзами судурлари ва ақраб нудаболари эрдилар, ул диёрнинг сойир умаройи киборлари ва аъёну аквонлари била олорга истиқбол этдилар. Ва эъзозу икроми тамом била олорни худдомлар яхши манзилларга ва марғуб мавзеъларга тушурудилар. Ва боис бўлуб олорни Ҳасан Бек била мулоқот қилдурудилар. Ва Ҳасан Бек гоят икрому эҳтиромни тақдимиға еткурди ва подиоҳона тухфалар ва ҳадялар ўткорди. Иброми тамом била бўлмоқни илтимос этди ва олор волидаи мусанналарига мулоҳзамат ва мулоқот этмакни баҳона этуб, Хуросон тарафига мутаважжих бўлдилар*”.⁶⁹

Жомий Султон Яъқуб билан мактуб ёзишиб турган. Чунончи, “Саломон ва Абсол” достони Султон Яъқуб мирзога бағишлиланган.

Камолиддин Ҳусайн Ирокқа борганида Яъқуб мирзо уни ҳурмат билан кутиб олиб, Биёбонг деган ҳар йили юз минг олтинга яқин даромад қелтирадиган жойни суюрғол қилиб беради. Лекин бу оддий ва содда, дарвештабиат киши инъомни қабул этмай, юртига қайтади.

НАВОИЙ ШЕЪРЛАРИ МАШХУР БЎЛГАН ШАҲАРЛАР

Навоийнинг шеърлари ўз даврида Оққўюнлилар салтанатида жуда машҳур бўлган. Бу давлатнинг Табриз ва Шероздек марказий шаҳарларида шоирлар султонининг ғазаллари кенг тарқалганди. Навоийнинг таъбири билан айтганда:

***Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки, қилмишдур наий қилким шакаррез.***

Хатто Навоийнинг Оққўюнлилар мамлакатидаги мухлислари томонидан 1471 йилда (хаттот Абдураҳим Хоразмий) шоирнинг

⁶⁸ Кўрсатилган асар.-Б.104.

⁶⁹ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнид-ҳаёт. Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.196-197.

девони тузилганига ғазал мулкининг султони ишора қилган:
“...Аммо халойиқ аросида минг байт – икки минг байт ортугроқ, ўксакракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб эрди”.⁷⁰ Ҳақиқатан мазкур ҳудудларда Навоийнинг шеърларини шоҳ ҳам, гадо ҳам бирдек севиб мутолаа қилган. Буни Хондамир ҳам тасдиқлайди: “Ҳеч қандай тақаллуфсиз ва лофсиз айтиши мумкинки, бир оз вақт ичида юксак санъаткорлик билан яратилган, жозибали байтлар, гўзаллик ва усталик билан безалган тизмалар зийнатининг шуҳрати шундай даражада етдиким, улуг мартабали юқори илмпарвар султонлар дунёning узоқ шаҳарларида сўз усталари бўлган маҳсус элчиларни Ҳиротга юбориб, Амир (Навоий) ҳазратларининг балогатли сўзларин куллиёти (тўплами)ни олиб кетишини излайдилар. Араб ва Ажам мамлакатларининг атрофидаги гўшанишин дарвешлар ҳам олий ҳазратнинг шавқли шеърларининг ҳавасидан умрларини ўткариб, уни жуда кўп ҳаракатлар қилиб излаш учун югурадилар. Шу жиҳатдан Ҳитой ва Ҳўтман мамлакатларининг юқори ҳудудларидан бошлиб, то Рум ва Гарб мамлакатларининг қуий чегараларигача шоҳ ва гадо, ёш ва қари, мусулмон ва кофирлар оғзида Олий ҳазратнинг гўзал тизмалари ўқиладиган бўлди: бутун миллатларнинг, барча ҳалқларнинг ҳукумат доирасида бўлган ҳамма кишиларнинг кўнгил саҳифаларида ва дилларининг лавҳаларида муборак нақши бўлиб ўзлаштирилди”.⁷¹

ХИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ТАЪСИРИ

Бундан ташқари, Оққўонли туркманлар мамлакати адабиётига Султон Ҳусайн Бойқаро ва Навоий бошлиқ адабий муҳитининг яққол таъсири сезилиб турган. Табриз адабий муҳити намояндаси Кишварий каби шоирлар Навоийни ўзларига устоз деб билишган, шоирлар султонига эргашибган, темурийлар саройига ҳавас билан қарашибган:

**Кишварий шеъри Навоий шеъридин аксик эмас,
Бахтина душсайди бир Султон Ҳусайн Бойқаро.**

⁷⁰ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Тўртинчи том. Т: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965 .-Б. 469.

⁷¹ Фиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т:Ф.Фулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.36.

Дарҳақиқат, “Алишер Навоий ижоди нафақат ўзбек адабиёти, балки бутун туркий тилдаги ижод аҳлини бефарқ қолдирмаган. Навоийнинг ўзи ҳам Шарқ адабиётининг кўплаб вакиллари ижодидан илҳомланганини қайд этиб, асарлари билан ўнлаб туркий қавмларни қамраб олганини таъкидлайди.”⁷²

НАВОИЙ БИЛАН МАКТУБ АЛМАШИБ

Болалигидан шоирлар султонининг шеърларини ўқиб, улғайган Оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб доимо Навоийга мактуб йўллаб, унга янги асарларини юборишини сўраган. Навоий “Хамсатул мутахаййирин”да бу ҳақда шундай ёзади: “*Бир қатла фақир(Навоий) алар(Жомий)нинг қадимий девонин Мавлоно Абдусамадгаким, замоннинг хуинависларидиндур ва хуши табъи ҳам бор, буйуриб эрдим ва улча мақдур тақаллуфлар қилилиб эрди. Ва девон тугагандин сўнгра алар хизматига элтиб, муқобала истидъоси қилилди. Алар айттиларким:* “*Бир икки кун мунда турдик. Биз миқдоре мулҳаза қиласи. Котибин хуштабъ киши дерлар. Шоядки, эҳтиёт қилиб эркинким, муқобала қилурга эҳтиёж бўлмагай*”.

Аммо Жомий кўриб чиққач, котибнинг хатоси сабабли китобда айрим нуқсонлар кўзга ташланади: “*баъзи ерда бирор – иккирор, балки ортиқ абъёт тарк қилибтур*”.

Навоий устозига ушбу девон “*муборак қаламингиз билан ислоҳ топса, мужиби мубоҳат ва зебу зийнат бўлур*” дейди.

Гап шундаки, ана шу вақтда Султон Яъқуб Навоийдан гўзал асарлар юборишини сўраб элчи жўнатган эди: “*Султон Яъқуб фақирдин китоб тилаганда, андин нафисроқ китобим йўқ эрдиким, ҳар мисраида ул ҳазратнинг муборак қалами кириб эрди ва аларнинг –ўқ қудсий осор анфоси эрди – йибордим ва бу битилган кайфиятни шарҳ била битидим. Ўқиб, хуивақтлилар қилиб, қитъани ёд тутиб, мактубда миннатдорлик изҳор қилиб эрдилар*”.

⁷² Джабборов Р. Алишер Навоий “Оққўюнли мухлислар девони” ва унинг давр адабий мұхитида тутган ўрни. Автореферат. Самарқанд.2020.-Б.22.

ЖОМИЙ КУЛЛИЁТИ ЎРНИГА

Мир Сайид Ҳасан Абивардий Ҳусайн Бойқаронинг жияни Кичик Мирзо билан ҳажга йўл олганда, Маккаи Мукаррамага ҳам бормай, Оққўюнлилар салтанати саройида қолади. Шундан сўнг Навоийнинг ёзишича, ...*Рум ва Миср ва Ҳалаб балки ул тарафнинг кўпрак мамоликига мусофират қилиб, олти-етти йил қолиб, арабий тилни равон қилиб, мутабаррук мазоротга етиб, балки Макка ва Мадинага мушарраф бўлиб, кўп азизлар сұхбатин топиб, Ҳурносонга келди. Борурда ақл ва табъи қиллатига матъун эрди, келганда иккаласин тамом қилиб келдиким, ҳеч кишига маҳалли таън ва ташнеъ бўлмагай. Бир байт моддасида ақли ва таъби не миқдор эканин исбот қилибдур. Ул байт будурким:*

Эй зи меҳри оразат гардун гулом,

Юсуфоро кардаанд Яъкуб ном.

(Мазмуни: Юзинг қуёшига дунё кулдир, Юсуфга Яъкуб от қўйибдилар.)

Таъби натижаси бу бўлдиким, мундоқ байт айтти ва вуқуф аҳли бу байтнинг маъниси йўқтур, номавзундур деганда, эмасдур, деб баҳс қилди ва ақл натижаси буким, Ҳурносон аҳлин тажҳил қилиб, бу байтин хублиқга битиб, Ироқга Яъкуб Мирзо ўрдусига йиборди.⁷³ Абивардий Ҳурносонга келганда, ҳам оққўюнлилар ҳукмдори билан мактуб ёзишиб турган.

Навоийга хизмат қилган Мир Сайид Ҳусайн Абивардий Яъкуб Мирзо саройига йўл олар экан, Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да ёзишича, мутафаккир бу шоирни оққўюнлилар ҳукмдори ҳузурига Жомийнинг куллиёти ва бир нечта бошқа асарлар билан жўнатади. Шоир етиб борганида, Султон ундан “йўлда зерикмай келдингизми?”, деб сўрайди. У Жомий ҳазратларининг китобларини мутолаа қилиб келдик, дея жавоб қиласди. Кейин маълум бўладики, китобдор Жомий куллиёти ўрнига бошқа асар бераб юборган ва Абивардий уни очиб ҳам кўрмаган экан. Бу воқеадан Навоий воқиф бўлгач, ундан ранжиган. Шоир бир неча йил Султон Яъкуб саройида хизмат қилган.⁷⁴

⁷³ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. F. Фулом номидаги БАН, 1966.-Б.130.

⁷⁴ http://navoi.natlib.uz:8101/uz/majolis_un_nafois_un_uchinchi_tom/izoh_va_tarjimalar/

САРОЙ АНЖУМАНЛАРИДА НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ ЎҚИЛГАНМИ?

Навоий ва Яъқуб мирзо ўртасида шу даражада яқин дўстлик ва биродарлик, пиру муридлик алоқалари шаклланган эдики, султон умрининг охирига қадар бу муносабатлар давом этди. Бу ҳудудларда истиқомат қилган халқлар шоирлар султонини ўзининг ижодкори сифатида қабул қилиб, шеърларини севиб мутолаа этдилар.

Султон Яъқуб шеърий мажлисларида Навоийнинг янги шеърлари, девонлари ўқилган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” улуғ амир(Навоий)нинг туркий девони ҳукмдорлар ҳамда акобир йиғинларига безакдир”, дея оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб мажлисларини ҳам назарда тутган: “*Бу улуғ амир(Навоий)нинг шеърий девони султонлар ва киборлар мажлисларининг безагидир. Навоийнинг (инсонни) элитар навоси бенаво ошиқларни тўғри йўлга бошлиайди, мухолифлар унинг қаламининг қитирлашидан орқага чекинадилар. Подишоҳона оҳанги Султон Ҳусайннинг маҳбуби! Қандай яхши овозаки, турк диёридан Ҳижоз ҳудудигача кетди! Қандай соз дабдабаки, Нишопурдан Исфаҳонгача етди! Ажам диёри (араб бўлмаган мамлакатлар) аҳолисининг қулоқлари бу овоздан битган ва оламнинг ҳар бурчаги бу дарёning дурларидан тўлган. Тонг шабадаси бу хабарни Ироқ(Оққўюнлилар мамлакати)қа етказгандир ва фалак Тубо дарахтининг баргларини бу ниҳолнинг шохчаларига айлантириди*”.⁷⁵

НАВОИЙ ВА ОҚ ҚЎЮНЛИЛАР ДАВЛАТИНИНГ “ТУРКМОНИЙ” ТИЛИ

Навоий ва Оққўюнлилар даври тилига келсак, “бу даврда барча туркий халқлар яшаган ҳудудда асосан икки хил кўринишдаги туркий тил – ғарбий ва шарқий адабий тиллардан фойдаланишган. Алишер Навоий ўз ижодида фойдаланган тил бугунги кунда эски ўзбек тили, чиғатой турккаси, шарқий туркий тил деб ҳам юритилади. Навоийнинг ўзи бу тилни туркий тил деб

⁷⁵Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т. Академнашр, 2011.-Б.226.

номлаган. Навоий даврида ва ундан кейинги даврларда турклар ва туркманлар бир қатор манбаларда ажратиб кўрсатилган. Навоийнинг ўзи ҳам туркий ва туркмоний тилни ажратиб кўрсатади. Ўз даврида Навоийгача ва ундан кейинги даврларда Қорақўюнлилар, Оққўюнлилар, Сафавийлар, Усмонийлар сингари Кавказ, Олд Осиё, Яқин Шарқ худудудида ҳукм сурган давлатларда ғарбий туркий тил деб номланган ўғуз туркчаси амалда бўлган. Бироқ баъзида ўғуз туркчасида шеър битган шоирлар, эски ўзбек тилида – шарқий туркий тилда ҳам Навоий ғазалларига назиралар битганлар. Алишер Навоийнинг ғазаллари Оққўюнлилар давлатида ўғуз туркчасига мослаштирилган ҳолда кўчирилган”.⁷⁶

*Агар бир қавм, гар ўн, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Кўнгул бермиши сўзумга турк жон ҳам,
Не ялгуз турк балки туркмон ҳам.*

“Оққўюнли мухлислар девони” сўзбошисида ёзилишича, “Нима учун Навоий бу ерда туркларни туркманлардан ажратиб кўрсатяпти? Маълумки, Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat” асарида машҳур Озарбайжон шоири Имодуудин Насимийга таъриф бераркан, “Ироқ ва Рум тарафидаги мулқдин эркандур. Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур”, деган жумлаларни келтиради. Демак, Навоий даврида “Озарбайжон тили” деган тушунча ҳам бўлмаган. Озарбайжон фақат жой номи сифатида ишилатилган. “Румий” деганда бу ўринда олдинги Византия, Навоий давридаги усмонийлар давлат тилини, “туркмоний” деганда эса, ўша даврда Темурийларга чегарадош яна бир туркий давлат – Оққўюнлилар адабий тилини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Демак, Навоий туркий тил деганда, ўзи ижод қилган она тилини ҳам туркмоний (Оққўюнлилар) тилдан ажратиб кўрсатган. Салжуқийлар, усмонийлар, қорақўюнлилар, оққўюнлилар, сафавийлар сингари сулолалар даврида битилган тарихий, илмий ва бадиий асарларни ўрганиши жараёнида уларнинг тили шаклий ва услубий жиҳатдан Хуросон ва Мовароуннаҳрда амалда бўлган туркий тилдан муайян даражада фарқ қилганини кўрамиз”.⁷⁷

⁷⁶ <https://slib.uz/ru/article/view?id=13418>

⁷⁷ Алишер Навоий. Оққўюнли мухлислар девони. (1471). Нашрга тайёрловчилар: А.Эркинов, Р.Жабборов. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2020.-Б.6-7.

Мухтасар айтганда, Оккўюнлилар салтанати ҳукмдорлари, давлат арбоблари ва шоирларининг Навоий билан бўлган ёзишмаларию муносабатларини ўрганиш навоийшуносликнинг янги маълумотлар билан бойишига хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

1. Дарвишсифат ва фониймашраб султон.....	3
2. Оқ қўйли туркманлар салтанати.....	5
3. Узун Ҳасан ва Абусаид Мирзо.....	7
4. Ҳасан подшоҳ.....	9
5. Малика “Буюк Феодоро”.....	11
6. Султоннинг онаси заҳарлаганми?.....	12
7. Ҳусайн Бойқарога ёқмаган ғазал.....	14
8. Адабиёт гуллаб – яшнаган давр.....	15
9. Сарой адабий муҳити.....	16
10. Хоразмлик Анисий – султоннинг дўсти.....	16
11. “Султон Яъқуб сайланмаси”	18
12. Адабий мажлис мусоҳиби ва салтанат “Маликуш шуаро”си.....	19
13. Навоийни кўриб кетган шоир.....	20
14. Оқ қўюнлилар салтанати назм аҳли.....	20
15. Дарвиш Деҳакий.....	21
16. Камолиддин Биноий – Яъқуббекнинг “Ҳарифи мажлиси”.....	22
17.Хурсонлик шоирлар билан муносабат.....	24
18. Навоий шеърлари машҳур бўлган шаҳарлар.....	25
19. Ҳирот адабий муҳитининг таъсири.....	26
20. Навоий билан мактуб алмashiб.....	26
21. Жомий куллиёти ўрнига.....	27
22. Сарой анжуманларида Навоий ғазаллари ўқилганми?.....	28
23. Навоий ва Оқ қўюнлилар давлатининг “Туркмоний” тили.....	29

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

**НАВОЙ АЛҚАГАН
ХУКМДОР**

(Илмий – оммабоп нашр)

Мухаррир: В. Мусаев,

Техник мұхаррир: И.Тоғаев,

Техник мұхаррир: М.Тогаев,

Компьютерда саҳифаловчи: А.Абдураҳмонова.

Тасдиқнома. 5565, 03.03.2021.

Теришга берилди: 06.06.2023 йил.

Босишига рухсат этилди: 18.06.2023 йил.

Офсет қофоз. Қофоз бичими 60x84 1/16.

Тимес New Роман гарнитураси. Шартли босма табоғи 5,0

Нашр ҳисоб табоғи 4,90. Адади 100.

“Интеллект” нашриётида тайёрланди.

ҚарМИ кичик босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 180100. Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 - уй,

Телефон 91-466-80-32